



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 3 октябрь, пайшанба, №113 (3459).

6 октябрь

ҲАР БИРИНГИЗНИНГ
ОВОЗИНГИЗ МУҲИМ!

УМУМХАЛҚ
РЕФЕРЕНДУМИ

www.election.gov.kz

МАҚСАД – ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК САРҲАДЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Қасим-Жўмарт Тўқаев “Евроосиё маконида барқарор тараққиёт ва хавфсизлик” анжуманида иштирок этди. Президент ўз нутқида мисли кўрилмаган геосиёсий зиддиятлар даврида дипломатия ҳал қилувчи ўрин эгаллашни таъкидлади.

– Геосиёсат ва геоиқтисодиётдаги туб ўзгаришлар, дунёвий иқлим ва демографик муаммолар, пандемиянинг янги таҳдиди, қуролланиш пойғасининг кучайиши, технологик тараққиёт, жумладан, сунъий заковатнинг жорий этилиши шароитида стратегик барқарорлик ва барқарор тараққиёт масалалари барчамиз учун долзарб бўлиб қолди.

Хулоса аниқ – халқаро ҳамжамият амалий мулоқотга янги суръат бағишлаши учун кун тартибига ўзгартириш киритилиши керак. Шу боис, яхлит, ягона Евроосиё хавфсизлиги ғояси кўп қутбли, адолатли ва барқарор дунё тартибини шакллантириш учун асос бўлиши мумкин, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари анжуман иштирокчиларига Қозоғистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар ҳақида маълумот берди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг сўзла-



рига кўра, сиёсий ислохотларнинг энг муҳим янгилиги – Конституцияда Президент ваколатини бир муддат 7 йил билан чекловчи меъёрнинг тасдиқланишидир.

– Бундай меъёр собиқ иттифоқ давлатларининг ҳеч бирида, ҳатто ундан ташқарида ҳам мавжуд эмас. Президентнинг етти йилга бир марта сайланиши унинг сайловолди дастури ва ислохотларини амалга ошириш учун етарли, деб ўйлайман. Қолаверса, Президент халқ томонидан сайланган давлат хизматчисидир. Ишончим комилки, мамлакатимизда қонун ва интизом ҳукми суриши керак. Шундагина биз ислохотларни амалга ошириш ва Қозоғистон иқтисодиётига сармоя жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб олаемиз. Қонун ва интизом Адолатли Қозоғистоннинг асосидир. Ҳар доим ва ҳамма жойда адолатга эҳтиёж бор. Мамлакатимизда ҳам худди шундай. Ислохотларни амалга ошириш қанчалик қийин бўлмасин, биз кўзлаган максимизга эриша олаемиз. Уни ҳеч ким тўхтата олмайди, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда таълим соҳасининг муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Президентнинг сўзларига кўра, яъни пайтда Россияда 60 мингдан ортиқ қозоғистонлик талаба таҳсил олмақда.

– Бугунги кунда мамлакатимизда

Россиянинг нуфузли олий таълим муассасаларининг бўлимлари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Қозоғистонда Москва Давлат халқаро муносабатлар институтининг филиалини очиш режалаштирилмоқда, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Ялпи мажлисда Россия Президентини ёрдамчиси Владимир Мединский анжуман иштирокчиларига Владимир Путиннинг саломини етказди.

Москва Давлат халқаро муносабатлар институти ректори Анатолий Торкунов таълим муассасасининг 80 йиллиги муносабати билан ўшбу тадбирни ташкил этгани учун Қозоғистонга миннатдорчилик билдирди.

– Анжуман мавзусини бекорга танлаганимиз йўқ. Иқтисодиёт ва хавфсизлик соҳасидаги анъанавий кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини иқлим кун тартибининг янги давралари, энергия ва транспорт инфратузилмасининг тараққиётидаги жўшқин воқеалар билан уйғунлаштирган ҳолда муҳокама қилдик, – деди Анатолий Торкунов.

Учрашувда Қозоғистон ва Россиянинг таниқли олимлари, дипломатик хизмат фахрийлари, давлат идоралари ва муассасалари раҳбарлари, сиёсатшунослар, ёшлар ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Akorda.kz.
маълумотлари
асосида.

КЕКСАЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

ТУРКИСТОНДА ЯНА БИР «ФАОЛ УЗОҚ УМР» МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



Қариялар куни муносабати билан Туркистон вилоятида 17-“Фаол узок умр” маркази очилди. Вилоят марказида дастлабки шундай иншоот икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган эди.

“Ўттор” мавзесидаги 2-сонли марказнинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Дархан Сатибалди фахрийларни байрам билан табриклади.

– Сизларни бугунги байрам – Халқаро қариялар куни билан чин қалбимдан табриқлайман! Қариялар қадр топган юрда меҳр-оқибат, қут-баракат, тинчлик-хотиржамлик доимо барқарор бўлади. Кексанг бор – бараканг бор, дейди доно халқимиз. Албатта, ҳар бир киши ёши улугларнинг бутун жамият, Ватан равнақи учун сарфлаган кучи, қилган меҳнатини дилдан англаб, уларнинг хурматини ҳамisha жойига қўя билмоғи шарт. Зеро, улар – жамиятимизнинг устунлари, оиламизнинг мустаҳкам таянчи, сизу бизнинг дуоғўйларимиздир. Қариялар орасида “Фаол узок умр” марказларининг аҳамияти улкан. Бугунги кунда 15 туманда шундай марказлар очилиб, уларда 80 мингга яқин нафақадорга тегишли хизматлар кўрсатилмоқда. Бугун сизлар билан бирга

муқаддас шаҳарда учинчи марказни ишга туширмоқдамиз. Мазкур халқаро байрам халқимизга хос бўлган ёши улугларни эъзозлаш, уларнинг хурматини ўрнига қўйиш, панд-насиҳатларига қулоқ туттиш каби фазилатлар билан ҳамоҳандир. Айниқса, истиқлол йилларида нуронийларга эътибор кучайиб, уларни қўллаб-қувватлаш масаласи алоҳида назоратга олинди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик тилайман, – деди Дархан Сатибалди.

Марказнинг очилиш маросимида шаҳар оқсоқоллари дуо қилиб, давлат томонидан кўрсатилмаётган кўмак учун миннатдорчилик билдиришди. Вилоят раҳбари янги марказда фахрийлар билан учрашув ўтказиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади.

24.kz. маълумотлари
асосида.

Жорий йил охирига қадар 1 миллион гектар ер давлат тасарруфига қайтарилади. Бу ҳақда ҚР Бош прокуратураси маълум қилди.

1 МИЛЛИОН ГЕКТАР ЕР – ДАВЛАТ ТАСАРРУФИГА



“Прокуратура томонидан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилмаётган ва қонунга хилоф равишда берилган ер майдонларини республика даражасида қайтариш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Энг кўп ер участкалари Ақмула, Ақтўбе, Атирау, Қўстанай, Манғистау, Павлодар вилоятларида давлат тасарруфига қайтарилган. Жорий йилда республика бўйича қарийб 1 миллион гектар ер участкаларини давлатга қайтариш режалаштирилган”, дейилди Бош прокуратура тарқатган маълумотда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги 4 йилда 17 миллион гек-

тар ер давлатга қайтарилиб, муомалага киритилди. Яйлов тақчиллиги 29 миллион гектардан 8 миллион гектарга, яъни 4 бараварга камайди.

Ер улуши бўлган 11 минг кишининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

24.kz. маълумотлари
асосида.

РЕФЕРЕНДУМ КУНИ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ БЕПУЛ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ



6 октябрь куни мамлакатда илк АЭС қуриш масаласи бўйича республика умумхалқ референдуми ўтади.

Овоз бериш куни 694та сайлов участкасига биринчи бўлиб келганларга эсдалик совгалари топширилади. Айрим ҳудудларда совринли уйинлар, концерт дастурлари, турли танловлар, қишлоқ хўжалиги ярмаркалари ва турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

– Овоз бериш фуқароларнинг яшаш жойи бўйича ташкил этилган референдум ўтказувчи участкаларда ўтади. Референдум куни сайлов участкалари соат 07:00дан 20:00гача фаолият юритади. Фуқаролар шахсий гувоҳномаси ёки паспортини кўрсатган ҳолда овоз бе-

ришлари мумкин. Референдумда иштирок этиш учун ҳар бир сайловчи ўз ҳудудидаги сайлов участкасида рўйхатга олиниши керак. Сайловчининг яшаш жойи ўзгартирилган бўлса, янги жой бўйича рўйхатга киритилади, бунинг учун маълумотларни янгилаш зарур, – дейди Туркистон вилояти референдум ҳудудий комиссияси раиси Ансар Ўсербоев.

24.kz. маълумотлари
асосида.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

»» Тайинлаш

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ТАЙИНЛАНДИ

Қозоғистон Республикаси Президентининг розилиги ва вилоят ҳокимининг фармойиши билан Нурбўл Абдисаттарули Туркестон вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимига тайинланди. Девон мажлисида Туркестон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди янги ўринбосарни таништириб, минтақани ривожлантириш йўналишида муҳим вазифалар юкланганини таъкидлади ва унинг ишларида муваффақият тилади.



Нурбўл Абдисаттарули Туркестон вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимига 1980 йилда Тўлебий туманида таваллуд топган. 2000 йилда М. Аюзов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетини, 2005 йилда М. Дулатий номидаги Тараз давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – муҳандис-иқтисоди.

Меҳнат фаолиятини 2001

йили Ўрдабоши туманида ер кадастр бюросида бошлаган. 2002 йилда Ўрдабоши туман ер кадастр бюроси мудири, 2009 йилда Сайрам ер-кадастр бюроси директори вазифаларида фаолият юритди.

Қатор масъул лавозимларда фаолият юритган Нурбўл Туркестон вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимига 2017-2020 йилларда Тулкибош, 2020-2021 йилларда

Ўрдабоши туманлари ҳокими бўлди. 2021 йилнинг июнь ойидан эътиборан, Туркестон шаҳри ҳокими вазифасини бажарди.

Нурбўл Туркестон вилоят ҳокимининг ўринбосари сифатида қишлоқ хўжалиги, ер муносабатлари, ветеринария, табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни сошлаш соҳаларига етакчилик қилади.

»» Тайинлаш



ШАҲАР ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

Қозоғистон Республикаси Президентининг розилиги ва вилоят ҳокимининг фармойиши билан Азимбек Пазилбекули Туркестон шаҳрининг ҳокими лавозимига тайинланди. Янги ҳокимни шаҳар фаолларига вилоят ҳокими Дархан Сатибалди таништирди.

Шаҳар маслаҳати депутатлари шаҳар ҳокими лавозимига тавсия қилинган Азимбек Пазилбекулининг номзодини қўллаб-қувватлаб, овоз беришди.

Дархан Сатибалди янги раҳбарга шаҳарни ривожлантириш, туркий оламнинг марказига айлантириш, сайёҳлик ҳамда иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўналишида муҳим вазифалар юкланганини таъкидлаб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.

Азимбек Пазилбекули 1991 йили Қизилўрда вилояти, Жанақўрган туманида туғилган. Олий маълумотли. Ал-Форобий номидаги Қозоқ миллий университети, Қўрқит Ата номидаги Қизилўрда давлат университети, М. С. Нарикбаев номидаги Қозоқ давлат ҳуқуқшунослик университети ҳамда “Болашақ” университети тамомлаган.

Ихтисослиги – давлат ҳамда маҳаллий бошқарув, иқтисо-

диёт, қурилиш, ҳуқуқшунослик. Меҳнат фаолиятини 2013 йили Қизилўрда шаҳар ички сиёсат бўлимида етакчи мутахассис, бош мутахассис лавозимларида бошлаган.

Қозоғистон Республикаси Сармоялар ҳамда тараққиёт вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси Саноат ҳамда инфратузилмавий тараққиёт вазирлигининг бошқармаларига раҳбарлик қилган.

Мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 2021-2030 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилиниб, республика бўйича 270 минг тонна балиқ етиштириш режаланган. Шу даврда вилоятимиз ҳам ушбу йўналишда ишларни давом эттириб, 2030 йилгача балиқ етиштириш ҳажмини уч баравар ошириб, 20 минг тоннага етказишни режалаштирган.

ВИЛОЯТИМИЗ БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЕТАКЧИ



Минтақада балиқчиликни янада ривожлантириш мақсадида туман, шаҳар ҳокимликлари режа асосида тегишли тадбирларни амалга оширмоқда. Вилоятда бугунги кунда балиқ етиштириш билан шуғулланадиган 224та хўжалик мавжуд бўлса, экспортга йўналтирилган йирик 4та корхона фаолият юритмоқда. Сунъий йўл билан балиқ етиштириш режаси таъкидлаб, 8 ой якунларига кўра, 1645 тонна балиқ етиштирилди.

Балиқчилик давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йилда маҳаллий бюджетдан 500 млн тенге ажратилиб, 61та

балиқчилик хўжалигининг харажатлари субсидияланди. Сармоявий субсидиялашга 2024 йили 237,5 млн тенге ажратилиб, тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили “Қишлоқ омонати” дастури бўйича 24 нафар балиқчи-тадбиркорга 168,9 млн тенге имтиёзли насия берилди. Жорий йил “Ырыс кичик насия ташкилоти” МЧБ 232та хўжаликка 1020,0 млрд тенге ажратди. Вилоятда балиқчиликни янада ривожлантириш, янги балиқчилик хўжаликларини ташкил этишга доир кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

ОТМ битирувчилари қўллаб-қувватланди

Туркестон вилоятининг рақамлаштириш, давлат хизмати кўрсатиш ва архивлар бошқармаси ҳамда Хожа Аҳмад Яссавий номида ХҚТУ ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми тузилди. Мазкур ҳужжатни бошқарма раҳбари Марат Айнабеков ва ректор Нажи Генч имзолади.

Меморандум минтақадаги бизнес-инкубатор, инновация ва технологик тадбиркорлик соҳасида ҳамкорлик ўрнатилди, IT соҳасини ривожлантириш имконини беради. Шартнома доирасида талабаларнинг бизнес-ғоя ва лойиҳалари муҳокама қилинадиган қўшма тадбирлар,

дарс ва семинарлар, ҳордиқ чиқариш соҳасини ривожлантиришга бағишланган стартап кунлари ўтади. Шунингдек, ёшлар орасида танловлар ва бизнес-лойиҳаларнинг ярмаркаси ўтказилиб, саралашдан ўтганлари қўллаб-қувватланади.

Бошқарма раҳбари Ма-



рат Фаритули халқаро университети билан ҳамкорлик шартномаси имзоланганидан мамнунлигини таъкидлаб, талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш ва ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтиришда бошқарма қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

ЯНГИ ЭЛЕКТР ТАҚСИМЛАШ СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Сўзоқ тумани Абай қишлоғида 35/10 кВ қувватга эга “Төртши” электр тақсимлаш станциясини ишга тушириш маросимида туман ҳокими Мухит Турисбеков иштирок этди.

Унинг айтишича, янги иншоот Балдису ва Қарабулак аҳоли манзилларининг электр таъминотини яхшилайдиган бўлади. Шунингдек, туманда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим бошқа лойиҳаларга алоҳида тўхталиб, режалари билан ўртоқлашди.

“Оңтүстік Жарық Транзит” МЧБ техник хавфсизлик хизмати раҳбари Мерей Тўленбекули янги станцияга оид маълумотлар билан таништирди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ



Саккизинчи чақирғиқ вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн иккинчи сессияси ўтди. Сессия ишида маслаҳат раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи Алмас Салимов вилоятдаги янги тайинлашлар хусусида маълумот берди ва тадбирни олиб борди.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаевнинг “Адолатли Қозоғистон: Қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” номли Қозоғистон халқига йўллаган Мақтубидаги муҳим тамойилларга тўхтади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Кўшеров ҳудудимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшган бир гуруҳ меҳнат фах-

рийларини вилоятнинг Фахрий ёрлиги билан тақдирлади. Саккизинчи чақирғиқ вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн иккинчи сессияси ишида минтақа раҳбарининг ўринбосари Н. Кўшеров, ҳокимлик аъзолари, шаҳар, туман маслаҳати раислари, давлат органларининг раҳбарлари, сайлов комиссияси раиси, жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, ОАВ вакиллари иш-

тирок этди. Кун тартибидан 19та масала кўрилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари маъруза қилиб, минтақада амалга оширилган ишларга тўхтади. Депутатлар вилоят ҳокимлигининг фаолиятига ижобий баҳо беришди. Шу билан бирга, вилоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар, қурилиш, маданият бошқармалари раҳбарларига саволлар бериб, қарор лойиҳаларига тавсиялар киритишди.

Сессияда қўрилган масалалар юзасидан маслаҳат депутатлари тегишли қарорлар қабул қилишди.

ЯНГИ МАРКАЗ ИШИ БИЛАН ТАНИШДИ

“Кеңес” ногиронлар жамоат бирлашмасининг асосчиси, ривожланишида нуқсон бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг муаллифи Майра Сулеева Туркестон шаҳрига хизмат сафари билан ташриф буюрди.

“6-сонли махсус ижтимоий хизматлар маркази” фаолияти билан яқиндан танишган Майра Сулеева жамоа аъзоларига миннатдорчилик билдириб, муваффақият тилади. Ҳаёти ногиронлиги бор фуқароларнинг соғлигини тиклаш ва уларга қулай шароит яратишга бағишланган малакали музтаҳассис янги муассасанинг имконияти юксак эканлигини



алоҳида таъкидлади. Вилоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбари Асия Темирбаева тикланиш маркази октябр ойининг охирида фойдаланишга топширилишини маълум қилди.

Янги марказга Тўлебий тумани, Тасарик қишлоғидаги таянч ҳаракат тизимида нуқсон бор болаларга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи “4-сонли Тасарик махсус ижтимоий хизматлар маркази”ни кўчириш режаланган.

ТРИАТЛОНДАН ОСИЁ КУБОГИ ЎТДИ

Туркестон шаҳрида янгидан қурилган эшак эшиш каналида триатлондан сараланган спортчилар ва ёшлар ўртасида Осиё ва республика кубоги мусобақаси ўтди. Унда Сингапур, Эрон, Беларуссия, Германия, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидан 36 нафар спортчи қатнашди.



Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев иштирок этиб, ғолиб ва сариндорларни қутлади. Мусобақани вилоят сув спорти турларидан олимпиада захираларининг ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби юксак савияда уюштирди.

Сараланган спортчилар мусобақасида эркаклар ўртасида белоруслик Микита Катсиянеу ғолиб бўлди. Қозоғистон шарафини ҳимоя қилган Темирлан Темиров 2-ўринни, ўзбекистонлик Жереми Хундос учинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида ўзбекистонлик Алина Ҳакимова 1-ўринни эгалласа, 2-ўрин германиялик Софие Гиевманн, 3-ўрин эса сингапурлик Лоуиса Мария Миддлечига насиб қилди.

Ёшлар ўртасида уч ўринни ҳам қозоғистонликлар қўлга киритди. 1-ўринга Али Жанат, 2-ўринга Диана Ержанова, 3-ўринга Никита Дубинская сазовор бўлди. Қизлар ўртасида ҳам уч ўринни қозоғистонлик спортчилар – Диана Ержанова, Анель Исабаева, Юлиана Петрова эгаллади.



ҚАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

Сайрам тумани бандлик ҳамда ижтимоий дастурлар бўлимининг “Фаол узоқ умр” маркази ташаббуси билан Халқаро Қариялар кунига бағишланган “Қариялар – асл хазинам” мавзuida тадбир ўтди.

Байрам дастурига кўра, Сайрам туман маданият, тилларни ривожлантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт бўлими билан ҳамкорликда шахмат турнири ва концерт дастури ташкил этилди.

Туман ҳокими Арман Сабитов тадбирни очиб, қа-

рияларимизнинг жамият ва оиладаги ўрни, уларнинг баҳо насиҳатлари, босиб ўтган шонли йўлига тўхталиб, байрам билан табриклади ва совға-саломлар тақдим этди.

Туман ҳокимининг матбуот хизмати.



ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Халқаро қариялар кунини чордараликлар юксак савияда нишонлашди. “Абай” маданият уйида “Кексалар – асл хазинам” мавзuida ўтган байрам тадбирида фронторти ва меҳнат фахрийлари, нафақадорлар ҳамда туман фаоллари иштирок этишди. Унда сўзга чиққан туман ҳокими ўринбосари Бауржан Шўмпиев йиғилганларни байрам билан кутлади.

Тадбирда бир гуруҳ меҳнат фахрийларига туман ҳокимининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Арис шаҳрида ўтган тадбирда ҳоким Гулжан Қурманбекова фахрийларни байрам билан табриклади. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшган бир гуруҳ отахону онахонларга ташаккурномалар топширилди.

Тадбир маданият уйи санъаткорларининг концерт дастурига улашиб кетди.



Жетисай тумани, Қизилқум қишлоғида ўтган тадбирда ҳоким Дўшжан Асқарули қарияларни байрам билан табриклаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатди.

Бир гуруҳ меҳнат фахрийлари туман ҳокимининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Тадбир маданият уйи ходимлари томонидан тайёрланган концерт дастурига улашиб кетди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

САХОВАТ ЁКИ ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН КУН



Шимкент шаҳри, Сайрам даҳасидаги Шоюсуф Маҳмудов раҳбарлик қилаётган ҳашаматли “Пиёла” тамаддиҳонасида Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоев, Ал-Форобий, Абай, Енбекши туманлари ўзбекистон раислари Шўхрат Рўзиметов, Илҳом Алимқулов, Баҳодир Мирзахметовлар “Халқаро қариялар кунини” муносабати билан ҳаёти ва меҳнат фаолияти кўпларга ибрат, эътиборли ва таниқли отахонлардан бир гуруҳини кутиб олдилар.

Тадбирни Ш. Рўзиметов тантанали равишда очаркан, барчани улуг айём билан табриклади.

Шаҳар ўзбекистон раиси Т. Нишонбоев тадбир қатнашчиларини қутлар экан, кунини кеча ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тоқаевнинг Туркистон шаҳрига келиб, бир неча иншоотлар очилишида иштирок этгани ҳамда 28 сентябрь кунини Туркистон вилояти ўзбекистон томонидан “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари” кунини юксак савияда ўтказилганлигини таъкидлади ва 12 октябрь кунини шаҳар марказий истироҳат боғида ўтадиган байрамга тақлиф қилди.

Йиғилишда иштирок этган ҚР Парламентининг собиқ депутаты, Жамоат арбоби Фахриддин Қоратоев Шўхрат Рўзиметовга Ўзбекистон Республикаси консулининг ташаккурномасини тантанали равишда топшириб, келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Сўзга чиққан бир гуруҳ фахрийлар шаҳар ва туман ўзбек этномаданият бирлашмаларининг фаолиятини юксак баҳолаб, келгуси ишларига омад тилади.

Ҳайит МУРОД.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Халқаро қариялар кунини арафасида Тўлебий тумани “Ёшлар имконият маркази” фаоллари бир гуруҳ меҳнат фахрийларини байрам билан табриклаб, совға-саломлар улашди.

Туманда 11127 нафар нафақадор бор, 592 нафари фронторти меҳнат фахрийлари ҳамда 100 ёшдан ошган 7 нафар қария умргузаронлик қиялпти.

Туман ҳокими вазифини бажарувчи раҳбарнинг Халқаро қариялар кунини билан табриги ижтимоий тармоқларда эълон қилинди. «Кексалар жамиятининг илғор ҳаётини қатлами сифатида бойлигимиздир – уларни асраб-авайлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Боболаримизнинг ҳаётини тажрибалари, панд-насиҳатлари, ўғитлари авлоддан авлодга етказилади. Инсоннинг иккита асосий хусусияти бор.

Биринчиси, маънавият ва маданият. Иккинчиси – таълим. Таълим маданият билан ёнма-

КЕКСАЛАР ФАЗИЛАТИ – ҲАЁТИМИЗ ЗИЙНАТИ



ён юриши керак. Ёшларимизга тўғри йўл-йўриқ, таълим-тарбия берайлик. Бу ишга қўшаётган ҳиссангиз салмоқли. Бугунги тақлифларингиз учун раҳмат. Биз уларни кўриб чиқамиз.

Фаол узоқ умр кўриш марказларининг асосий устувор йўналишларидан бири кексалар саломатлигига ғамхўрлик қилишдир. Бу ерда сизлар учун қулай шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари топширигига кўра, бундай марказлар бошқа туманларда ҳам очилмоқда. Бу йўналишдаги ишларни тўхтатмаймиз, дейилади унда.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.

»»» Қариялар кунини

Ғалабанин 79 йиллиги арафасида 90 ёшли отахон Ғайбулло Шерметовнинг хонадонига Э. Иззатуллаев номли мактабнинг 7-синф ўқувчилари билан биргаликда ташир буюрдик.

Отахон билан дилдан суҳбат қурдик. У болаларга ёшлиги хақида ҳикоя қилиб берди. Болалиги Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келгани, халқ билан бирга оғир кунларни бошидан кечиргани, катталар билан далада тенгма-тенг меҳнат қилгани хақида гапирди.

Отахон 1934 йили Бирлик қишлоғида туғилиб, 4 ёшида отаси вафот этиб, онаси қўлида тарбияланган. 7 ёшида «Ҳамма нарса фронт учун» шиори остида фронт ортида оғир меҳнат қилиб, оилани асраш учун онасига ёрдамлашди.

11 ёшигача далада қора меҳнат қилиб, тобланди. Қўш арава тортиб, трактор-



чи, механизатор, сувчи бўлиб, «Бирлик» қишлоғи тараққиётидаги барча ишларда унинг хизматлари салмоқли бўлган.

1970 йилларда Қорабулоқ қишлоғидан уста чақириб, тегиримон қурдириб, ишга туширилди. Унда ҳозирги кунда отахон-

Тегиримончи бобо

нинг ўғли Ғаффор Шерметов халққа хизмат кўрсатмоқда. Тегиримондан унумли фойдаланиб келаётган қишлоқ аҳолиси ушбу сулола вакилларидан миннатдор. Отахон умр йўлдоши билан тўрт фарзандни вояга етказиб, барчасини уйли-жойли қилган. Аини дамда дуоғўй бобо набираю, эваралар ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Меҳнати улунган Ғайбулло Шерметов 91 ёшни қаршилаш арафасида.

Отахоннинг босиб ўтган ҳаёт йўли ёш авлодга ибрат.

Биз тегиримончи бобога узоқ ва баракотли умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Гулнора ИБОДУЛЛАЕВА.
Э. Иззатуллаев номли мактаб муаллими.

»»» Ёднома

АНОРБОЙ ИБОДУЛЛА ЎҒЛИ

Туркистон вилояти саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасига муносиб ҳисса қўшган тажрибали муҳандис, меҳнат фахрийси Анорбой Ибодулла ўғли (тасвирда) Хўжамов вафот этди.

Анорбой Хўжамов 1948 йили 23 февралда Туркистон тумани, Уртоқ қишлоғида дунёга келган. Ҳамза, (собиқ Калинин номли) мактабни, сўнг Тошкент политехника институти механика факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Туркистондаги қурилиш қисмлари ва конструкциялаш комбинатида бошлаб, усталиқдан цех бошлиғи лавозимига кўтарилди.

Теран билимли, ташкилотчилик қобилияти кучли муҳандис сифатида 1974 йилдан эътиборан шаҳар йўл қурилиши машиналарини таъмирлаш корхонасида бош муҳандис, саноат соҳаси бўйича директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. Туркистон тумани қишлоқ хўжалиги техника бирлашмасида, “Коммунизм” жамоа хўжалигида бош муҳандис, 1992 йилдан эса бошқармага раис этиб сайланди.

1993 йили вилоятимизнинг биринчи ҳокими Марс Уркимбаев раҳбарлигидаги делегация таркибида АҚШга сафарда, “Джон-Деер” пахта терим комбайнларини Туркистон туман хўжалиқларига олиб келди. Шимкентдаги Марксизм-Ленинизм университети муваффақиятли тамомлаган. Қозоғистоннинг собиқ раҳбари Динмухамед Қўнаев вилоятимиз фаоллари билан “Коммунизм” жамоа хўжалигидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Майшай Абеновнинг пахта далаларини унинг ҳамроҳлигида оралаб кўрган эди. “Оқтўстик су шар” корхонанинг Туркистон бўлими бошлиғи ўринбосари хизматини бажарди. Самарали меҳнатлари учун туман, шаҳар ҳокимликлари, вилоят маслаҳати ҳамда “Главрессовхозстрой” бош бошқармасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. У – Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси эди.

Умр йўлдоши Жаннат Хўжамова билан қобил фарзандлар – Ҳасан- Хусан, Улуғбек ҳамда Умидларни тарбиялаб, неваралар суйган пири бадавлат оила соҳиби эди. Марҳумнинг оиласи, қариндош-уруғларига мусибат муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиламиз. Туркистон минтақаси тараққиётига хизматлари сингган Анорбой Ибодулла ўғлининг нурли хотираси қалбимиздан ўчмайди.

Жарилқасин АЗИРЕТБЕРГЕНОВ,
Жарқинбек ҚУЛБАЙИМБЕТОВ,
Аскер АБДИХАНОВ, Базарбай МУСАБЕКОВ,
Серик ИБАДУЛЛАЕВ, Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Тўлқин САИДМУРОДОВ, Эргаш ДИМЕТОВ,
Қурбонбой ИРИСБЕКОВ, Райимжан ҚУЧҚОРОВ,
Дадажон ЖАМОЛОВ, Абдрахман РИСБЕКОВ,
Серикбай БАБАЕВ, Отабой БОБОТОВ.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

Э. ИЗЗАТУЛЛАЕВ НОМЛИ МАКТАБДА



Мактаб ҳовлисида фахрий устоз, марҳум Махсуд Иззатуллаевнинг саъй-ҳаракатлари билан меҳнат қахрамони

ни Эргаш Иззатуллаев хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойида тарихни ёдга олдик. Мустиқлик шарофати би-

лан вилоят марказининг "Бирлик" кичик туманида учта янги мактаб барпо этилгани шонли тарих.

Директор Муҳаммадрасул Иззатуллаев хонасида ўринбосари Абдулла Шерметов билан 6 октябрь куни ўтадиган умумхалқ референдумига тайёргарлик билан банд экан. Мулоқот чоғида директор 680 ўқувчи таълим олаётган ўқув даргоҳида кимё, қозоқ, рус, ўзбек тили ўқитувчилари Севара Умарова, Жаудир Нуржанова, Шаҳноза Қўчқорова, Нилуфар Ўмарбоева, шунингдек, иқтидорли ўқувчилар Э. Маҳмудова, Д. Раҳмонбергенова, Ш. Рустамова, З. Дана, Д. Собиржоноваларнинг янги ўқув йили дастлабки ойида шаҳар миқёсидаги танловларда эришган залворли ютуқлари ҳақида фахр билан гапириб берди.

Обуна борасида илм маскани жамоаси ҳозирги кўрсаткичи кейинги ярим йилликда ҳам давом эттириладиган бўлди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: директор М. Иззатуллаев ўринбосари А. Шерметов билан. Муаллиф суратга олган.

УЛКАН ҚУРИЛИШ БОШЛАНДИ



Саврон тумани, Қорачиқ қишлоғида "Турон" деҳқон хўжаликлари бирлашмаси раҳбари, тадбиркор Ҳабибулла Азимов ташкилотчилигида 6 гектар майдонда улкан қурилиш ишлари бошланди.

"Маънавий-ижтимоий марказ" деб номланадиган ушбу мажмуада 3 минг ўринли масжид, 700 ўринли ошхона, тилларни ривожлантириш, спорт-соғломлаштириш марказлари – жами 7та йирик иншоот барпо этилади. Ҳажми ва жалб этиладиган сармоя кўлами бўйича бу қурилиш Саврон туманидаги энг йирик иншоотлардан бири бўлади. 3 минг ўринли масжид пойдево-

ри олдида қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адхамов ҳамроҳлигида Ҳабибулла Азимов билан мулоқотда бўлди.

– Мажмуанинг лойиҳа-сметаси қиймати 2 млрд 700 млн тенгени ташкил этади. Тадбиркор Абдулла Исмаатуллаевнинг саъй-ҳаракатлари билан туман, вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсда ҳолмиёлар ҳиммати ила ушбу улкан мажмуа ўз вақтида бунёд этилишига ишончимиз комил. Қозоғистон Мусулмонлари Диний Бошқармаси раиси, Бош Муфтий Науризбай ҳожи Тағанули Саврон тумани ҳокими билан 2023 йили 17 июнь куни илк пойдеворини қалаган.

Маҳобатли масжид тепасига ўрнатиладиган гумбазлар сони 9та бўлади. Миноралар баландлиги 61 метрни ташкил этади. А. Яссавий мақбарасига ҳамда Уккоша ота қадамжоларига ташриф буюрадиган барча зиёратчилар ҳамда сайёҳлар Қорачиқ қишлоғида катта йўл бўйида барпо этилаётган ушбу мажмуада тўхтаб, ҳордиқ чиқариб, тиловат қилишлари учун ҳамма шариоатлар яратилади, – деди Ҳабибулла Азимов.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Қорачиқ қишлоғида бунёд этилаётган мажмуада. Муаллиф суратга олган.

»» Дил изҳори

Раҳмат сизга, шифокорлар!



Халқ минбари бўлмиш «Жанубий Қозоғистон» газетаси таҳририятига муштарийлардан кўплаб мактублар келади. Сатрларда турфа мавзулар мужжасам. Кимдир қишлоғи ёки маҳалласидаги муаммолар ҳусусида куйиниб ёзади, яна бошқа бир муштарий эса коммунал хўжалик хизматларига ёки тиббиёт ходимларига миннатдорчилик туйғуларини илҳомланиб изҳор этишади.

Қуйида шифокорларга миннатдорчилик билдирган онахоннинг дил изҳорини касалхона ходимлари бизга йўллашибди. Эътибор беринг-а!

– Менинг неварам Икром шу йил 16 сентябрь куни эрталаб соат саккизлар чамаси уйдан кўчага чиқиб, уйимиз олдида қўйиб ўтадиган ариқ сувиға тушиб кетган. Биз бундан беҳабар, деярли ярим соат уни қидириб, зир югурдик, сувдан кўкариб, қотиб қолган, деярли жонсиз ҳолда топдик. Гуё нафас олмаётгандек эди. Жонҳолатда зудлик билан машинамизда Сайрам туман «Қорабулоқ» касалхонасига етказдик. Шифокорлар бемор болакаини шилинч равишда жонланттириш бўлимига жойлаштиришди. Оқ халатли шифокору ҳамшираларнинг беш кеча-кундуз ти-

нимсиз елиб-югуришлари, тез тиббий ёрдамлари, малакали муолажалари туфайли неварам ҳаётга қайтди, қайта таваллуд топди, гуё. Эндиликда касалхонанинг болалар бўлимида шифокорларнинг доимий назоратида, ғамхўрлигида, – дейди мурғак қалб соҳиби, қайта ҳаёт эшигини очган болакаининг бувижониси Нилуфар Мадикаримова. – Касалхонанинг барча тиббиёт ходимларидан, жумладан, бош шифокор Даулет Аманжўлули, ренимация бўлими мудири Дилмурод Тожметов, реаниматолог Бекниёз Исоков, шифокор-педиатр Отабек Боялиев ва барча ходим-

лардан мингдан-миг розимиз. Улар зиммаларидаги вазифани, Гиппократ қасамёдида садоқатларини намоён этишди.

Ҳа, бу муҳаббат ҳодиса ўтган ойнанинг ўрталарида содир бўлган эди. Қаровсиз қолган норасида бой тажрибага эга ва юксак малака соҳиблари бўлган шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли яқинларининг бағрига қайтди.

Ҳа, хурматли ота-оналар, огоҳ бўлинг! Фарзанд тақдирини бефарқ бўлманг, кичкинтойларни катталар назоратисиз қолдирманг. Лоқайдликнинг охири аянчли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Маъсуда ОМОНОВА,
Сайрам туман
«Қорабулоқ» касалхонаси
бош шифокорининг
онали ва болаликни
муҳофаза қилиш
масалалари
бўйича ўринбосари.

Тасвирда: шифокорлар бемор болани ҳаётга қайтаришди.

»» Заковатли миллат

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРҒИБОТИ



Туркистон вилояти, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги 101-сонли мактабда "Ягона таълим дастури" доирасида мактаб директори Н. Усмонов ташаббуси билан директор муовинлари З. Абдуқодиров ҳамда М. Остонава раҳбарлигида "Хавфсиз жамият – ҳаёт сари соғлом қадам" миллий лойиҳаси доирасида услубиятчи Д. Ашурметова, устоз Г. Сиддиқовалар ҳамкорлигида 8-11-синф ўқувчиларининг таниқли инсонлар, спортчилар – машҳур чемпионлар билан учрашув уюштирилди.

Унда "Донлик мактаби" раиси, таниқли суҳандон, жамоат арбоби, тиббиёт соҳасида 40 йил меҳнат қилган Одилжон Холмуродов, нафақадор устоз, кўп йиллар мактаб директори бўлган Мамлакат Қурбонбоева, стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Тўймурод Эшимов ҳамда дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Суннатқул Эгамбердиевлар иштирок этишди.



Учрашувнинг асосий мақсади – ўқувчилар қалбига ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спорт билан шуғулланишга қизиқтириш орқали хавфсиз жамият барпо этишга ҳисса қўшишдан иборат эди. Меҳмонлар ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб, эришган ютуқлари, қийинчиликларни қандай енгиб

ўтганликлари ҳақида ҳикоя қилиб беришди.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиб, спортчилардан илҳом ва рағбат олишди.

Бу каби учрашувлар ёш авлодда ватанга муҳаббат ва соғлом ҳаётга интилишларини кўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга.

М. ЭЛТОЕВА.

САМАРКАНД
ТАШКЕНТ

4-5-6
ОКтяБРЬ

25 000 ТГ
45 000 ТГ

+7(775)-757-10-10

НА
2 ДНЯ!

ГИД
ТОП ЛОКАЦИЯ
ГОСТИНИЦА
ПИТАНИЕ – 1 РАЗ
КОМФОРТ ТРАНСФЕР

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибаш – Мунира СЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳамда далилларни тўғрилик учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъул.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VРУ0022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR print" МЧБ босмахонасида chop этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11000 нуска.

Бўғим:
2425.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.